O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI MARKAZIY MATBUOT XIZMATI

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 10 август, шанба № 96 (1672). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 10 августа, 2002 год № 96 (1672). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Пейсни қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзолангани ҳамкорлик самарали кечишининг муҳим омили бўлмоқда, — деди Ислом Каримов. — Мазкур ҳужжат икки давлатга ҳам катта масъулият юклайди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у мамлакатларимиз ўртасида нафақат ҳарбий-техникавий, балки иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муҳим соҳаларда ҳам алоқаларни кенгайтириб боришни назарда тутади.

Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризмга қарши кураш, икки давлат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Сир тутилди

Жангчи-сапёрлар техник тайёргарлик бўйича навбатдаги ўқув машғулотини бошлаган ҳам эдиларки, тўсатдан «Йиғин!» сигнали янгради. Муҳандис-сапёрлар взводи командири катта лейтенант А. Мўминов шахсий таркибни жанговар топшириқ билан таништирди — объект ҳудудига портловчи модда қўйилганлиги ҳақида хабар берилган бўлиб, жангчи-сапёрларга мазкур хавфни бартараф этиш вазифаси топширилганди.

Бир сония вақт ҳам бой берилмай, жангчи-сапёрлар жанговар вазифани бажаришга шайландилар. Зум ўтмай лейтенант Шуҳрат Яхшибоев қўл остидаги посбонлар объектга йўл олдилар.

Замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган посбонлар, энг аввало, ҳудуддаги ёнилғи-мой қуйиш резервуарини синчковлик ила текширдилар. Ниҳоятда эътиборлиликни талаб этадиган ушбу жараёнда ҳар бир посбоннинг диққати жамланди. Портловчи моддани топиш учун бор билим ва малакани ишга солиб ҳаракат қилишди.

Вақт ўтган сайин резервуар тащқарисида кузатиб турганлар хавотири ортиб борарди. Фақат жангчи-сапёрларгина ҳеч қандай ҳисҳаяжонга берилмасдан, ўз вазифаларини бажаришда давом этардилар.

Ниҳоят, ёнилғи-мой қуйиш резервуарининг сўнгги қисмига ўтилганда кичик сержант Адҳам Чориев яширилган минани топишга муяссар бўлди. Минани толиб зарарсизлантириш — анча нозик иш. Шу боис ҳам кичик сержант аниқланган портловчи моддани хавфсизлантиришга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашди.

Беркитилган миналар сони номаълум бўлганлиги боис, вазият ҳамон мураккаблигича қолган, жангчи-сапёрлар объект ҳудудини «тозалашда» давом этардилар. Текширув ниҳоясига етай деб қолганда, яна бир посбон—оддий аскар Ўктам Суяров барчани хушнуд этди. Беркитилган иккинчи мина ҳам топилди. Хавф тўла бартараф этилди.

Бу ўқув тайёргарлик режасида белгиланган тадбир эди. Бироқ, у шахсий таркибдан тўла сир тутилди. Яъни, посбонлар, портловчи моддаларни ахтарар эканлар, уларнинг ҳақиқий эканлигига ҳеч ким гумон қилмасди. Посбон ана шундай вазиятда синаларди. Унинг нафақат касбий, шунингдек, руҳий-маънавий жиҳатлари ҳам имтиҳондан ўтади.

Жангчи-сапёрлар мазкур имтиҳондан шараф билан ўтдилар. Айниқса, кичик сержант А. Чориев ва оддий аскар У. Суярев юқори касбий малакага эга посбон эканликларини намойиш этишди. Уларга офицер-командирлар томонидан Миннатдорчилик эълон қилинди. Бу посбонларнинг Мустақиллигимиз ўн бир йиллик тўйига ҳозирлаётган муносиб тўёналаридир.

Кичик лейтенант Ҳ. МИРЗАЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.



Вақт деганлари оқар сув. Тезда ўтиб кетади. Ўша биз учун унутилмас воқеа — 1991 йилнинг 1 сентябри — мустақилликнинг илк куни биздан тобора узоқлашиб боряпти. Вақт маъносида тўғри. Бироқ, ўша кун халқимизнинг юрагидан вақт ўтган сайин янада чуқурроқ жой оляпти, янада мустаҳкамроқ ўрнашмоқда.

Мустақиллик — улуғ неъмат. Ўн бир йилки, биз Мустақиллик билан, Мустақиллик биз билан яшаяпти.

Бугунги Мустақил Ўзбекистонинг посбонлари — маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний жиҳатдан етук ҳарбийлар. Уларнинг томирларида Амир Темур, Жалолиддин Мангубердиларнинг қони оқмоқда. Маҳорат улар билан бирга, жасорат улар билан бирга. Ватанимизнинг тинчлиги, халқимизнинг осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига шак-шубҳа йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

2002 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ МУАЛЛИМЛАРИНИНГ, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий ва муаллим кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар кўпайтирилсин.

2. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари муаллимларининг педагогик юкламалари қуйидагича белгилансин:

бошланғич синфларда — ҳафтасига 18 соат;

юқори синфларда — ҳафтасига 20 соат;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари — йилига 800 соат.

3. Ушбу Фармонга мувофиқ иш ҳақини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар дарс соатларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўз қарамоғида бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган вазирликлар ҳамда идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг, илмий ходимларнинг янги иш ҳақи миқдорларини тасдиқласинлар;

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги 12-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 7 август.

● НАВСТРЕЧУ ДНЮ НЕЗАВИСИМОСТИ

ДОСТОЙНЫМ БУДЕТ НАШ ОТВЕТ

Через несколько дней, а точнее пятнадцатого августа, выпускников Джизакского высшего военного авиационного училища (будущих вертолетчиков) ожидает, пожалуй, самый ответственный момент в их курсантской жизни, который для многих, не исключено, станет отправной точкой в дальнейшей офицерской биографии. По итогам завершающейся войсковой стажировки им предстоит выдержать экзамен, или как они его называют— «госполеты». Опытные летчики-инструкторы вместе со своими подопечными поднимутся в воздух, чтобы затем вынести заключительный вердикт на предмет их профессиональной подготовленности. Волнуются ребята? Конечно же, да, ведь каждому из них хочется получить высокую оценку, но самое главное — доказать и прежде всего самому себе, что способен управлять винтокрылой машиной, быть полноправным властелином воздушного океана.

Сержант Владимир Дубовицкий **(на снимке)**, как и подобает младшему командиру, возьмет старт в числе первых и, наверняка, не подведет, поскольку уже сегодня о нем звучат лестные отзывы со стороны летчиков, а командование части не прочь заполучить подающего надежды специалиста в свои ряды.

— Очень настойчивый в достижении поставленной цели, — говорит командир эскадрильи майор Сергей Проценко, — докапывается до самых мелочей, а для летчика — это хорошее качество. Одним словом, толк будет.

А раз так, значит сбывается мечта Владимира. Долго вынашивал ее в себе. Отец узнал о ней лишь под занавес школьных лет, и, надо сказать, ничуть не удивился. Живя по соседству с военным городком, где, как правило, обитали летчики, он частенько замечал, как сын буквально замирал, когда видел этих смелых, отважных людей. А когда в библиотечке Володи стали появляться книги об авиации, понял, что парень решился на что-то всерьез.

Здоровьем Владимира природа не обделила, да и школьные предметы давались ему легко, ведь не зря отличник, а потому при поступлении особых затруднений не испытал. Не было их в дальнейшем, и как результат — он кандидат номер 1 на «красный» диплом. Труднее было привыкнуть к размеренному, а порой и монотонному укладу армейской жизни, но Владимир не из неженок, к тому же сам выбирал свою стезю.

Наш разговор с будущим воздушным асом состоялся в классе предполетной подготовки, где курсанты «грызли» гранит авиационной науки. Постепенно он с предстоящего экзамена переключился на долгожданный курсантами выпуск.

— Хотя мы все понимаем, что лейтенантские годы бывают не такими уж радужными и романтичными, — говорит Владимир, — тем не менее, окончания училища ждем с нетерпением. Побыстрее хочется окунуться в мир самостоятельной жизни, почувствовать всю полноту возложенной на тебя ответственности, почувствовать себя офицером. А трудности не пугают, ведь будет любимая работа, а если ей отдаваться сполна, то все они уйдут сами собой. К тому же, мы видим, что молодым лейтенантам в последнее время уделяется все больше внимания и заботы, на которую мы готовы ответить добросовестным трудом. И, пожалуй, первым нашим ответом будут отличные оценки на экзамене, которые мы хотим приурочить как к приближающемуся профессиональному празднику, так и славной дате независимости.

Подполковник Я. КОРУКА.

Фото **автора.**

Бунёдкорлар байрами

Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз бўйлаб мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар, балки энг олис қишлоқларда ҳам замонавий турар-жойлар, корхоналар, саломатлик масканлари, билим даргоҳлари қад ростлаб, кенг ва равон йўллар, кўpriклар қурилмоқда. Азим пойтахтимиз жаҳондаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланмоқда.

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида анъанавий байрам — Қурувчилар кунига бағишлаб ўтказилган кечада ана шу ҳақда гап борди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов очди.

Мамлакатимиз истиқлолининг ўн бир йиллиги байрами арафасида бунёдкорлик ишлари янада кенг кулоч ёйди. Хусусан, Сурхондарёдаги Тўполон ГЭСи, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ ҳудудида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган янги дам олиш маскани ва бошқа йирик иншоотлар бунёд этилмоқда.

Тадбирда бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти кечага алоҳида файз киритди.

Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

«Лафзимизда, ваъдамизда турамиз»

Фарзандларга Фарҳод, Рустам каби исмларни танлаганда ота-оналар уларни афсонавий баҳодирлар, паҳлавонлардек униб-ўссин, эл-юрти корига ярасин, дея ният қилишади. Оддий аскар Фарҳод Турсунов ҳақида гап кетганда эса бунинг яна бир исботини топамиз.

2001 йилнинг баҳорида сафларни тўлдирган йигит бугун ҳаёт мактабининг илғорларидан. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ўғлонга истиқлолнинг 10 йиллик тўйини армияда кутиб олиш насиб этди. Мана энди у иккинчи бора истиқлолнинг тўйини ҳарбий хизматда кутиб олаяпти. «Ҳорманг, кайфиятлар қалай, аскар йигит?», деганча унинг айни пайтдаги жанговар тайёргарликлари билан қизиқамиз.

— Яқинда дала-ўқув машғулотидан қайтдик. Натижалар чаккимас. Мен ўзимга юклатилган жанговар вазифани аълога уддаладим. Яқинда, яъни баҳорда сафларни тўлдирган аскарларга ҳам ўз тажрибаларимдан ўргатгандим. Улар ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Хуллас, жамоамиз билан истиқлолнинг 11 йиллик тўйини ютуқлар-ла каршилашга аҳд қилганмиз. Лафзимизда, ваъдамизда турамиз, — деди жумладан оддий аскар Ф. Турсунов.

Капитан И. ҚУРБОНОВ.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

УЗБЕКИСТАН — ЯПОНИЯ: ВЫХОД НА БОЛЕЕ ВЫСОКУЮ СТУПЕНЬ СОТРУДНИЧЕСТВА

Как известно, 28—31 июля по приглашению правительства Японии Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов посетил Страну восходящего солнца с официальным визитом. И хотя после его окончания прошло уже значительное время, средства массовой информации нашей страны, стран ближнего и дальнего зарубежья продолжают активно комментировать итоги визита и принятые по его итогам документы. И это вполне естественно, потому что итоги визита имеют не только историческое, но и судьбоносное значение для развития обеих стран.

Особенность данного визита главы нашего государства состоит в том, что он состоялся по существу в преддверии 11-й годовщины независимости нашей страны. И с высоты пройденного за одиннадцать лет пути, отчетливо видны блестящие достижения узбекской дипломатии, возглавляемой лично Президентом И. А. Каримовым, позволившие Узбекистану занять достойное место в мировом сообществе и бесспорное лидирующее положение в центрально-азиатском регионе.

Мировое сообщество по достоинству оценило дипломатические заслуги Президента Ислама Каримова в решении не только региональных, но и глобальных проблем человечества. Он первым из политиков и государственных деятелей поставил вопрос о неделимости безопасности. О том, что глобальная безопасность всецело зависит от безопасности региональной. Он первым обратил внимание мирового сообщества на то, что Афганистан превратился в инкубатор по подготовке международных террористов, и на опасность, исходящую из Афганистана, для всего человечества, для любой страны, где бы она ни находилась. Он первым обратил внимание мирового сообщества на международный характер терроризма и экстремизма, его глобализацию и всеобъемлющие методы борьбы против человечества, все более угрожающий и бесчеловечный характер его действий. Он первым поднял свой голос за объединение усилий в борьбе с международным терроризмом и религиозным экстремизмом и предложил конкретные меры борьбы с этим злом. После начала антитеррористической операции в Афганистане он решительно встал на сторону антитеррористической коалиции, решительно поддержал США и оказал им практическую помощь в начавшейся антитеррористической операции.

(Окончание на 2-й стр.).

ПЛАНЕТЫ УЛЬС

Москва и Исламабад обсуждают возможность визита в Пакистан до конца текущего года главы МИД России Игоря Иванова. «Возможность визита российского министра иностранных дел в Пакистан стоит в повестке дня»,— сообщил замглавы МИДа Александр Лосюков. На вопрос о предполагаемых сроках данного визита дипломат отметил, что «при обсуждении этого вопроса с пакистанской стороной мы мыслили категориями этого года». Визит главы МИД России в Пакистан будет первым почти за десять лет.

***

Более 20 человек погибли и десятки ранены в результате сильного взрыва в афганском городе Джелалабад. По сообщению агентства Афган Исламик Пресс, взрыв произошел на территории дорожно-строительной организации. По одной из версий могла сдетонировать взрывчатка, используемая для прокладки дорог в горной местности.

***

Проходящая в Москве российско-украинская встреча на высшем уровне создала «качественный выигрыш» для экономики обеих стран и предотвратила сползание к торговым войнам. Об этом заявил вице-премьер Виктор Христенко, комментируя предварительные итоги переговоров президентов Владимира Путина и Леонида Кучмы, которые в пятницу продолжались в подмосковной резиденции «Завидово».

***

По уточненным данным, в результате теракта в миссионерском госпитале в Исламабаде погибли четыре человека, в том числе три сестры, более 20 человек получили ранения. Как предполагает полиция, один из нападавших покончил жизнь самоубийством.

***

Самолет польской авиакомпании ЛОТ в четверг совершил аварийную посадку в городе Ньюарк, штат Нью-Джерси (США). Об этом сообщила представитель ФБР Сандра Кэрролл.

Самолет находился в воздухе, когда летчики получили сообщение от варшавской полиции о том, что в самолете заложена бомба. Самолет был отогнан в отдаленную часть аэропорта, после этого самолет и все 189 пассажиров подверглись досмотру. Никакого взрывного устройства обнаружено не было.

***

Президент Южной Кореи Ким Дэ Чжун назначил премьер-министром Чэнг Дэ-Вана, руководителя крупнейшей экономической газеты страны. Назначение 50-летнего Чэнг Дэ-Вана последовало после отставки предыдущего премьер-министра, первой женщины премьер-министра в стране.

***

Лидер большинства в Конгрессе США Дик Армей заявил в четверг, что является противником нападения на Ирак без провокации со стороны последнего. Как отметил Дик Армей, Саддаму Хусейну надо позволить делать все, что он хочет делать со своей страной. «Пока он держит себя в пределах границ своей страны, мы не должны нападать на него...». По словам Дика Армея, если США попытаются действовать против Саддама Хусейна самостоятельно, без какого-либо повода, они могут лишиться поддержки других государств.

(По страницам Интернета).

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ЛОЗИМ?

Турли тиббий идоралардан 40 нафар ўзбекистонлик мутахассислар — жарроҳлар, ҳамширалар травматологлар, терапевтлар, техниклар ва маъмурлар учун келгуси ҳафта малака ошириш нуқтаи назаридан жуда фойдали бўлади. АҚШнинг Глобал саломатлик институтидан америкалик ҳарбий мутахассислар ўтказадиган беш кунлик ўқувлар айнан шунга қаратилган. «Фавқулодда вазиятларга муносабатда етакчилик ва шикастланишни бошқариш тизими» деб номланган машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий госпиталида ўтказилади.

Бундан мақсад фавқулодда вазиятлар ва шикастланишга муносабатда ҳамкорлар иттифоқини ривожлантиришдир. Мутахассислар мазкур соҳадаги кўникма ва тушунчаларни яхшилаш имкониятига эга бўлади. Ресурсларни (аҳоли, ускуналар, инфратузилма) бошқаришни таърифлаш ва ҳарбий-фуқаровий ҳамкорликни тушуниш борасидаги билимларини кенгайтиради. Пўриқчилар тайёрлаш, шикастланиш тизимлари даражасини ошириш ҳамда бу кўникмаларни зарур даражада ушлаб туришга алоҳида эътибор қаратилади.

Машғулотлар вақтида ташкилотчилар ҳудудий шикастланиш тизимларини ва фавқулодда вазиятларга муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ишончли халқаро алоқаларни ўрнатиш ниятида.

А. ТЎЙЧИБОЕВА, ЎзА мухбири.

ЁШ ОФИЦЕРЛАР — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

ҲАРБИЙ ҚУРУВЧИЛАР САРДОРИ

Лейтенант Солихўжа Юнусов билан Ватанимиз жанубидаги олис гарнизонларнинг бирида сафаримиз чоғида учрашгандик. Шу ердаги ҳарбий қисм яқинда кўчиб келганлиги боис, қурилиш ишлари кенг олиб борилаётганининг гувоҳига айландик. Мижозлар ҳарбий қурувчилар ҳақида илиқ фикр билдириб, уларнинг қурган иморатлари хизматга кўпгина қулайликлар яратганини таъкидлади.

Майор Комилжон Ахмедов бошчилигидаги ҳарбий қурувчилар батальони ҳозирги кунларда Қашқадарё, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида Қуролли Кучларимиз буюртмаларига биноан қурилаётган объектларда меҳнат қилмоқда. Капитан Мадамин Рўзиев взводининг зиммасига Қашқадарёдаги ҳарбий жамоаларнинг хизмат шароитларини йўлга қўйишдек шарафли вазифа юклатилганди.

Офицер Олимжон Муллажонов сардорлик қилаётган қисмга бир неча йил олдинги ташрифимизда шахсий таркиб анча оғир шароитларда яшаётганини кўриб, ачиниб кетгандик. Тўғри, бутун бошли ҳарбий қисмнинг бир жойдан бир жойга кўчиши осон кечмайди. Лекин, бир оздан сўнг яна келиб, ҳарбий қурувчилар шижоатига қойил қолдик — аскарлар янги казармаларда яшаётгани, офицерлар оилалари учун кўп қаватли уйлар ҳам тайёр бўлиб қолганини кўриб, кўзимиз қувонди. Шу пайтда ҳарбий қурувчилар билан учрашишга имконият топилмади, аммо учинчи боришимда бинокорлар ҳақида ёзишни режалаштириб қўйгандим.

Лейтенант Солихўжа Юнусов билан учрашиш юқорида тилга олинган воқеалар туфайли юз берганини суҳбатдошимга айтганимда, ёш йигитнинг юзида табассум кўринди. Наманган вилояти Янгиқўрғон вилоятида дунёга келган Солихўжа балки шунинг учун ҳам қурувчи касбини танлаган — қад ростлаган биноларни кўриб, уларда унинг меҳнати борлигидан фахрланиш учундир. Ҳарбий бўлиш нияти эса аскарлик вақтида пайдо бўлган — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртидаги ўқув жараёнини таъминлаш батальонида муддатли хизматини ўтаган чоғида. Аълочи аскарни командирлари қўллаб-қувватлади ва уларнинг тавсияномаси Солихўжанинг курсант бўлишига ёрдам берди.

Лекин, доноларнинг бири «ўз ишининг асосий қисмини ўзи эплай оладиганга ёрдам бериш ҳам осон» деб бежиз айтмаган. Инсон қалбида танлаган касбига меҳр бўлмаса, қатъият ва ирода етмаса — ёрдамчиларнинг барча уринишлари бекор экан. Лейтенант С. Юнусов ўзининг интилувчанлиги, ишга чанқоқлиги билан устозларини қувонтира олди — 2001 йилда ҳарбий билим юртини муваффақиятли тамомлаб, олис гарнизонда гуруҳ командири лавозимида намунали хизмат қилмоқда.

Маҳаллий аҳолига бу ердаги бўш ётган чўл ўрнида замонавий ҳарбий шаҳарча тез орада қад ростлагани мўъжизадек туюлиши мумкин. Лекин ҳарбий қурувчилар учун бу кундалик иш. Бу йил энди улар ҳаммом, кир ювиш хона, ҳарбий техникалар учун гаражлар қуриш билан банд. Жумладан, лейтенант С. Юнусов бошчилигидаги гуруҳ 32 жанговар техникага мўлжалланган бокс биносини қуриш вазифасини олган. Белгиланган ер ишлари бажарилган, пойдевор қўйилган, бошқа қурилиш-монтаж ишлари ҳам режа бўйича бажарилмоқда.

Қурувчи аскарлар орасида гуруҳ командирининг биринчи ёрдамчилари — секция командирлари кичик сержант Олтибой Изгалиев ва оддий аскар Руслан Бобожоновлар. Тажрибали кичик командирлар ҳар бир ишни бошлашидан аввал шахсий таркибга хавфсизлик чораларини тушунтиради, қўл остидаги ҳар бир аскарга ажратилган ишини аниқ белгилаб беради.

Шунинг учун жамоага яқинда келиб қўшилган ёш аскарлар ҳам довдираб қолмайди ва сафдаги ўз ўрнини тез топиб, ҳарбий ҳаётга қийинчиликсиз кўникиб кетади. Аскарлар орасида ватанимизнинг ҳар хил вилоятларидан келганлар бор. Масалан, оддий аскар Муроджон Очилов Навоидан, Азамат Холов эса Бухородан, Ҳаҳрамон Болиев Сурхондарёдан. Бу ерда танишиб, дўстлашган бир оила аъзоларидек аҳил хизмат қилмоқда.

— Гуруҳдаги бирдамлик, ўзаро кўмакдошлик бўлинма ютуқларининг асосий омили бўлди,— дейди взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Ислом Нурмамедов.— Менимча, гуруҳ сардори ўзи вақтида аскар бўлиб хизмат қилгани учун аскарларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Балким, шундайдир. Аммо, биз ёш офицер билан суҳбатлашганимизда бир нарсага ҳам эътиборимиз тушди — суҳбат чоғида у кўпроқ ўзи ҳақида эмас, қўл остидаги аскарлар ҳақида гапирди. Уларнинг ҳар бир ютуғидан қувонганини, камчиликларини бартараф этишга ёрдам берганини катта қизиқиш билан айтиб берди. Ўйлаймизки, шахсий таркибни ўрганишдаги бундай интилувчанлик ўзи сўнмаса, лейтенант Солихўжа Юнусовни олдида ҳали забт этиладиган довонлар кўп.

Майор А. КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

УЗБЕКИСТАН-ЯПОНИЯ: ВЫХОД НА БОЛЕЕ ВЫСОКУЮ СТУПЕНЬ СОТРУДНИЧЕСТВА

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Не случайно, что **уже в марте этого года Узбекистан стал стратегическим партнером США, а в июле, в ходе визита Президента И. А. Каримова в Японию, Узбекистан стал стратегическим партнером и Японии.** На уровне стратегического партнерства развиваются отношения Узбекистана со многими сильнейшими государствами Европы и Азии. Сегодня для всех стало очевидным, какое высокое место занимает Узбекистан в мировом сообществе и какой высокий, деловой авторитет он имеет на международной арене, благодаря последовательной, дальновидной и конструктивной внешнеполитической деятельности Президента И. А. Каримова и всей узбекской дипломатии.

В сфере международных отношений Япония является одной из тех стран, с которой Узбекистан тесно и всесторонне сотрудничает с первых дней независимости. В 1992 году между Японией и Узбекистаном были установлены дипломатические отношения и созданы необходимые предпосылки для успешного развития отношений сотрудничества в политической, экономической, научно-технической и культурной сферах.

Важным событием в узбекско-японских отношениях явился визит Президента И. А. Каримова в Японию в мае 1994 года. И, пожалуй, с тех пор Япония для Узбекистана стала одним из важнейших партнеров в Азиатско-Тихоокеанском регионе, а Узбекистан для Японии — естественным лидером Центральной Азии, который надежно обеспечивает мир и стабильность в стране и регионе.

Узбекистан и Япония активно развивают сотрудничество по всем линиям: растет товарооборот, увеличиваются инвестиции в экономику Узбекистана (сегодня они достигли 1,6 миллиарда долларов США), развивается научно-техническое и культурное сотрудничество. В Узбекистане открыты представительства 18 японских компаний, 7 совместных узбекско-японских предприятий и 3 предприятия со 100-процентным японским капиталом. И, как показывают расчёты, возможности для наращивания сотрудничества между Узбекистаном и Японией во всех сферах по существу неограничены. Выходу на новую, более высокую ступень сотрудничества и был посвящен визит главы нашего государства 28 — 31 июля этого года.

В ходе визита Президента И. А. Каримова в Японию было подписано 14 документов, главнейшими из которых являются **Совместное заявление о дружбе, стратегическом партнерстве и сотрудничестве между двумя странами и Совместное заявление о развитии экономического сотрудничества и содействии экономическим реформам в Узбекистане.** Каковы конкретные результаты визита главы нашего государства в Страну восходящего солнца в основных сферах сотрудничества и развития?

В области политической. Уже само название основного документа — Совместного заявления о дружбе, стратегическом партнерстве и сотрудничестве говорит о кардинальном изменении положения двух сотрудничающих стран. **Теперь они — стратегические партнеры.** И это открывает новые возможности для развития взаимовыгодного сотрудничества по всем линиям, для всестороннего укрепления дружбы между двумя народами, сотрудничество между которыми уходит далеко вглубь веков.

Узбекское руководство с первых дней независимости стремится вести дела поновому. В основу внешнеполитической деятельности страны положен конструктивизм, практичность, глубокий учёт национальных интересов, всемерная забота о кардинальном решении глобальных проблем, угрожающих всему человечеству. Это находит понимание и поддержку у руководства японской стороны. И не случайно в сфере решения многих международных проблем стороны имеют схожие подходы и позиции. Так, в борьбе с международным терроризмом Япония и Узбекистан поддерживают и одобряют действия друг друга. Они одинаково заинтересованы в установлении прочного мира и стабильности в Афганистане. Япония всецело поддерживает инициативу Президента И. А. Каримова о создании в Центральной Азии зоны, свободной от ядерного оружия. Узбекистан выступает инициатором включения Японии в состав постоянных членов Совета Безопасности ООН.

Установление взаимоотношений с одной из ведущих стран мира—Японией—на уровне стратегического партнерства—это по существу новый прорыв узбекской дипломатии, знаменующий начало более качественных, долгосрочных, более тесных, пронизанных взаимным доверием отношений по всем линиям.

В области экономической. Основу для дальнейшего развития экономических отношений двух стран составляет Совместное заявление о развитии экономического сотрудничества и содействии экономическим реформам в Узбекистане. Оно предусматривает укрепление правовой базы экономических взаимоотношений двух стран и включает в себя вопросы расширения сотрудничества в таких областях, как энергетика, торгово-экономические отношения, взаимная защита инвестиций и их поощрение, расширение сотрудничества в воздушном сообщении. В целях практической реализации этих задач глава нашего государства провел целый блок встреч с руководителями крупнейших корпораций, которые «ведут экономику Японии», беседовал с представителями деловых кругов. В ходе этих встреч и бесед достигнут целый ряд договоренностей по совершенствованию сферы энергетики, информационных технологий, текстильной, химической и легкой промышленности, коммуникационной системы. Особое значение придается достигнутым договоренностям в сфере хлопко- и шелкоперерабатывающей промышленности. Добиться решительного перелома в этих отраслях промышленности, наладить выпуск готовой продукции — значит резко увеличить доходы государства, получаемые от хлопка и коконов. Итоги визита Ислама Каримова в Японию недвусмысленно говорят, что отныне в эти отрасли экономики Узбекистана все настойчивее и в более широком объеме будут внедряться японское оборудование и новейшие японские технологии.

В области укрепления дружбы, расширения сотрудничества в сфере науки, образования и культуры. Укрепление связей с Узбекистаном — это часть недавно провозглашенной Японией «дипломатии Великого Шелкового пути, призванной помочь странам Центральной Азии и, прежде всего Узбекистану, интегрироваться в Азиатско-Тихоокеанскую экономику. Но помимо экономики, Япония заинтересована в укреплении культурных связей с Узбекистаном. Эти связи зародились и укрепились во времена Великого Шелкового пути. И несмотря на многие тысячи километров, которые разделяют Узбекистан и Японию, у наших народов много общего. Наши отношения скрепляют традиции восточных людей — уважение и почитание старших, доброта, толерантность, трудолюбие и прагматичность, основательность и мудрость, бережное отношение к добытому прежде опыту.

Именно в духе этих традиций Япония как богатейшая страна мира постоянно оказывает Узбекистану безвозмездную помощь, которая составила уже более 100 млн. долларов США. Большую помощь оказывает Япония в реализации нашей Национальной программы по подготовке кадров, в развитии системы среднего профессионально-технического образования. Около 70 студентов Узбекистана учатся в вузах Японии.

Избрание Президента И. А. Каримова почётным доктором права Токийского университета Васеда за вклад главы нашего государства в укрепление и развитие узбекско-японских научных связей и разработку Национальной программы по подготовке кадров явилось важнейшим событием и ещё одним наглядным подтверждением все укрепляющейся дружбы между двумя народами и государствами. Со своей стороны Президент Узбекистана И. А. Каримов вручил ректору университета Васеда Такаясу Окушима орден «Дустлик», которым японский ученый награжден Указом Президента за укрепление дружбы между двумя народами и развитие сотрудничества в сфере науки и культуры.

Таким образом, визит главы нашего государства в Японию, его переговоры с Премьер-министром Японии Дзюньитиро Коидзуми, встреча с императором Японии Акихито, беседы и встречи с представителями деловых кругов, руководителями ведущих японских корпораций завершились блестящими результатами и вывели наши страны на новый, более высокий уровень сотрудничества, стратегического партнерства. В истории узбекско-японских отношений начался новый этап, который, несомненно, принесет народам двух стран новые плоды в развитии экономики, науки и культуры, в росте благосостояния народа.

А. КУРГАНОВ.

Военно-политические новости

ЗАПРЕТ СНЯТ

Пресс-секретарь министерства обороны Украины заявил в четверг, что запрет на полеты военных самолетов, введенный после катастрофы СУ-27 на авиашоу во Львове, снят. Десять дней, в течение которых действовал запрет, пилоты ВВС Украины изучали меры безопасности в подготовке и осуществлении полетов. Проводились тренировочные полеты, и в конце недели пилоты возобновят полеты на истребителях.

ОППОЗИЦИЯ ПРИЗЫВАЕТ

Иракская оппозиция намерена добиваться от американского правительства нанесения военного удара против режима Саддама Хусейна. Об этом сообщил представитель Иракского национального конгресса накануне визита делегации иракской оппозиции в Вашингтон. По словам представителя, американские вооруженные силы не должны опасаться какого-либо сопротивления в Ираке. Ожидается, что в пятницу представители оппозиционных групп Ирака проведут встречи с представителями американского правительства.

УСИЛЕНЫ МЕРЫ БЕЗОПАСНОСТИ

Служба охраны президента США усилила меры безопасности вокруг резиденции президента — Белого дома в Вашингтоне. Секретная служба опасается терактов с использованием машин, начиненных взрывчаткой. В связи с этим в восьми кварталах вокруг Белого дома запрещено движение грузового транспорта. В четырех ближайших к Белому дому кварталах запрещена парковка и стоянка любого транспорта.

КАТАСТРОФА С-130

В результате катастрофы военно-транспортного самолета С-130 армии США в горах Пуэрто-Рико погибли 10 военных. Об этом сообщило министерство обороны США. Ранее сообщалось об одном погибшем. Катастрофа произошла в сложных погодных условиях. В условиях ограниченной видимости самолет врезался в гору.

В ХОДЕ СПЕЦОПЕРАЦИИ...

Представители миротворческих сил НАТО в Косово заявили в пятницу, что задержали в ходе спецоперации 19 «вооруженных экстремистов». Задержания проводились пятью батальонами при поддержке военной полиции и спецподразделения КФОР. Миротворцы не сообщили о национальности задержанных. В ходе операции также было обнаружено оружие, в том числе два гранатомета.

ПОКУШЕНИЕ

В пятницу в Кветте было совершено покушение на пакистанского военного — бригадного генерала Хусейна Накви. Накви ехал на работу, когда несколько человек на мотоциклах, проезжая мимо, открыли огонь по его автомобилю. Накви получил ранение в шею. Он был госпитализирован, и его состояние оценивается врачами как тяжелое.

Нападавшие скрылись. Мотив нападения пока неясен.

ТОЧЕЧНЫЙ АВИАУДАР

Российская авиация уничтожила лагерь боевиков в окрестностях селения Ялхой-Мохк Ножай-Юртовского района Чечни.

Как сообщили в региональном оперативном штабе по управлению контртеррористической операцией на Северном Кавказе, по летнему лагерю нанесен точечный авиаудар.

Потери боевиков уточняются.

ИМЯ УБИЙЦЫ ИЗВЕСТНО

В пятницу утром стало известно имя задержанного по обвинению в убийстве российского офицера Игоря Зайцева.

Как сообщила тбилисская телекомпания «Рустави-2», имя задержанного — Давид Зазашвили, он уроженец города Рустави.

По сообщению телекомпании, Зазашвили — российский военнослужащий.

Подозреваемый в убийстве российского офицера Игоря Зайцева, похищенного около двух недель назад, задержан накануне полицией Ваке-Сабурталинского района Тбилиси.

Следствие не исключает, что в преступлении могли участвовать и другие лица. Следствие ведет прокуратура Ваке-Сабурталинского района Тбилиси.

(По страницам Интернета).

„ДЕЛАЙ, КАК Я!“

Кажется, совсем недавно рядовой Нуритдин Салиджанов был курсантом учебного комбината. Призвавшись на службу в военные инженерно-строительные войска из г. Бешарыка Ферганской области, он решил стать плотником. И командование пошло ему навстречу.

Выбор специальности был не случайным. Нуритдин уже имел навыки в плотницком деле. Нравилось ему строгать, пилить. Нравились ему эти неповторимые запахи леса, исходящие от пиломатериалов. И очень хотелось стать настоящим специалистом.

Преподаватели, мастера производственного обучения учили его трудиться по-умному, творчески. Заставляли думать, как одну и ту же работу можно сделать быстрее, лучше, дешевле, качественнее. Они постоянно рассказывали ему и другим курсантам о новинках в строительном деле, учили уважать рабочую честь, гордиться званием строителя. Но, главное — учили видеть результаты своего труда, пробуждали жажду работать на совесть.

Курсанту Н. Салиджанову учеба давалась легко. Он все схватывал, как говорится, на лету, получая по всем дисциплинам отличные оценки. И вот когда закончился курс обучения, ему предложили остаться в учебном комбинате в должности мастера производственного обучения.

— Многим «секретам» своего ремесла научили меня мои первые наставники, — сказал тогда Нуритдин, давая согласие, членам квалификационной семьи. — Но основное, что я уяснил из их наказов, — это принцип: знаешь сам — научи другого. Буду учить!



Теперь рядовой Н. Салиджанов был в ответе за воспитание и обучение подчиненных. Ведь он являлся для них не только мастером производственного обучения, но и бригадиром, командиром секции. От его профессионального мастерства, распорядительности во многом зависела организация труда, качество работы, соблюдение правил техники безопасности, приобретение курсантами практических навыков. Принцип «Делай, как я» стал одним из важных в его деятельности.

— С первых самостоятельных шагов, — рассказывает командир учебного взвода майор А. Шарапов,— рядовой Нуритдин Салиджанов зарекомендовал себя хорошим организатором, советчиком, чутким и отзывчивым младшим командиром. Как настоящий знаток строительного производства, он оперативно решает вопросы, связанные с практической деятельностью подчиненных ему курсантов. Он заблаговременно получает наряды-задания, умело расставляет будущих плотников на рабочих местах, строго контролирует качество порученных операций. Словом, прилагает все силы для того, чтобы они в сжатые сроки освоили полюбившуюся профессию.

Отличные ребята изучают сейчас под руководством рядового Н. Салиджанова плотницкое дело. Курсанты А. Эргашев, И. Расулов, Х. Сапаев и другие отличаются своей хваткой, стремлением к работе, желанием постичь все «секреты» своей профессии. А мастер производственного обучения щедро передает им свои знания и опыт.

— А вообще-то Нуритдин уже подготовил для военных строек 40 плотников, — констатирует командир учебной группы младший сержант по контракту А. Эргашев.— хотя сам служит недавно. Еще и года не прошло со дня его призыва в армию. Успех ему сопутствует еще и потому, что сам он отличается добросовестным отношением к делу. Выполняет его в полную силу, самым наилучшим образом. Обладая знаниями и организаторскими способностями, рядовой Салиджанов готовит отличные кадры для наших военных строек.

Б. СЕРЕЕВ.

На снимке: **рядовой Н. Салиджанов.**

Фото **К. ТУРАЕВА.**

Совғанинг зўри

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйи тобора яқинлашиб келмоқда. Тўйга тўёна билан бориш керак— бу одат. Буни оддий аскар Обид Мустафоев ҳам жуда яхши билади.

— Қишки мавсум ўқув машғулотларида барча тайёргарликни яхши ўзлаштирганман,— дейди у.— Бу синовлар чоғи ўз мевасини берди. Айни кунларда ёзги ўқув машғулотларида ҳам фаол иштирок этяпман. Яқинда полигонда автоматдан нишонга отишни машқ қилдик. Бирорта ўқим ҳам хато кетган эмас. Жисмоний тайёргарлик бўйича ҳам сафдошларимдан ортда қолаётганим йўқ. Мен аскарнинг Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйига энг зўр совғаси деб унинг жанговар шайлигини тушунаман.

Оддий аскар О. Мустафоев жанговар шайлигини янада юқори погонага кўтариш йўлида астойдил ҳаракат қиляпти. Демак, энг улуғ, энг азиз байрамимизга зўр совға ҳозирлаяпти.

Сержант А. АЗИЗОВ.

Жанговар тайёргарлик бўйича катта офицер майор Олтинбой Ҳасанов аввал шахсий таркибни назарий жиҳатдан қандай тайёргарлик кўрганлигини пухта текшириб кўради. Ундан кейин техника хавфсизлиги қоидаларига яна бир бора пособлар диққат-эътиборини жалб этади. Фақат шундан сўнггина машқларни бажаришга рухсат беради ва топшириқни тез ҳамда аниқ бажаришни қатъий талаб этади.

К. ТЎРАЕВ суратга олган.

ҚУРУВЧИМИЗ—ЯРАТУВЧИМИЗ

2002 йилнинг биринчи ярми якунларини сарҳисоб этадиган бўлсак, бизнинг қурувчилар қисми шахсий таркиби ҳарбий интизом ва ишлаб чиқаришда аввалгига қараганда юқори кўрсаткичларни қўлга киритди, дейишимиз мумкин. Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда қисм командири подполковник Али Пиров, унинг тарбиявий ва ишлаб чиқариш бўйича ўринбосарлари майорлар Акрам Ризаев, Матёқуб Болтаевларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг талабчанлиги, куйинчаклиги, ташкилотчилиги, ўқув ва иш жараёнларини қатъий назорат остига олганларини аскар ва офицерлар яқиндан ҳис қилдилар. Қисмда маданий-маърифий тадбирларнинг тезтез ўтказиб турилиши, қисм қўмондонлиги ва шахсий таркиб, аскар ота-оналари ўртасидаги алоқалар яхши йўлга қўйилганлиги, қисм жойлашган маҳалла оқсоқолларининг мунтазам қисмга ташриф буюриши ҳам тарбиявий ишлар сифати, аскарларнинг ҳарбий хизматга иштиёқи ошишига ёрдам берганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Табиийки, ҳарбий жамоамиз аъзолари эришган ютуқларда бизнинг капитан Комилжон Бегматов командирлигидаги қурувчилар взводи аскар ва офицерларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Иш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилгани, натижалар ҳар ҳафтада, ҳар ойда таҳлил этилгани, айниқса техника хавфсизлигига қатъий риоя этилгани взводимиз ютуқлари салмоқли бўлишини таъминлади, десак асло хато бўлмайди.

Меҳнат жараёнидаги ютуқларга ҳар бир аскар ўзининг салмоқли улушини қўшди. Масалан, сержант Ғайратжон Акбаровни олайлик. У ҳарбий хизматнинг илк кунларидан тажрибали командирларнинг назарига тушди, секция командири лавозимига тайинланди. Ташкилотчилик қобилияти борлиги, сафдошлар кўнглига осонлик билан йўл топа олиши туфайли сержант унвонига сазовор бўлди. Айни кунларда у гуруҳ командирининг ўринбосари. Командирлар унга энг масъулиятли вазифаларни ҳам ишониб топширишади.

Взводимизда сержант Ғ. Акбаров каби аълочи кичик командирлар талайгина. Кичик сержантлар — Ойбек Беков, Эргаш Ҳалимов, Хуршид Мавлонов кабилар шулар жумласидандир.

Шуниси қувончлики, аскарларимиз номига ўзлари меҳнат қилган, қилаётган қурилиш ташкилотлари раҳбарларидан тез-тез ташаккурномалар келиб турибди. Хизматдаги аъло ютуқлари ва юқори кўрсаткичлари учун командирлар томонидан ҳам бир қанча Ташаккурномалар берилган. Уларнинг ота-оналарига Раҳматномалар юборилган, Хуллас, ҳарбий интизомда, жанговар шайликда ва ишлаб чиқаришда фаол иштирок этаётган ва сафдошларга намуна бўлаётган аскарлар муносиб тақдирланмоқдалар. Бу эса аскарларни руҳлантирмоқда, янги-янги марраларни забт этишга ундамоқда.

Тўғри ишдаги муваффақиятларимиз билан бир қаторда камчилик ва нуқсонлар ҳам учраб турибди. Тажрибасизлик натижасида айрим ҳолларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда взвод командирларининг кўрсатган йўл-йўриқлари жуда асқатмоқда. Июль ойининг бошларида взводимиз шахсий таркиби қувончли хушхабарининг гувоҳи бўлди. Ҳарбий қисм қўмондонлиги 2002 йилнинг биринчи ярми бўйича интизом ва ишлаб чиқариш якунларини таҳлил қилиб, ҳар жиҳатдан бизнинг жамоамизни қисм голиби, деб топди. Бу сафдошларимизга катта руҳий кўтаринкилик бахшида этди. Шу ўринда взводимиз командирлари — капитан Комилжон Бегматов, лейтенант Назиржон Сатторов, шартнома бўйича хизмат сержанти Комил Казаков ва гуруҳ командири шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ёркул Бозорбоевнинг самарали меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтмасак, инсофдан бўлмайди. Олдимизда ҳали катта вазифалар турибди. Энг асосийси, кун сайин яқинлашиб келаётган ва ҳаммамиз учун қадрли ва эъзозли Мустақиллик байрамини ҳарбий интизом ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришган ҳолда муносиб кутиб олишдир.

Оддий аскар
Нўъмон САФАРОВ.

И ОПЫТ ПЕРЕДАСТ, И МАСТЕРСТВО

Он полон сил и энергии, этот невысокий, плотный человек с крепкими рабочими руками. Он полон творческих планов, потому что без творчества не мыслит свой труд. Он постоянно в хлопотах и заботах.

Он — это подполковник запаса Борис Иванович Котровский. После окончания в 1960 году Рязанского военного автомобильного училища он два года прослужил в прославленной гвардейской Таманской дивизии. А потом перевелся в Узбекистан, где родился и вырос. Здесь служил в автомобильном батальоне, в военной автоинспекции. 14 лет до увольнения в запас преподавал в ТВОКУ автомобильную подготовку. С 1986 года работает преподавателем в учебном комбинате.

За годы работы в учебном комбинате Борис Иванович подготовил сотни технически грамотных специалистов, которые трудились на заводах, военных стройках, внося свой вклад в укрепление обороноспособности страны. Он и сейчас продолжает трудиться, готовя машинистов грузоподъемных кранов. Вот и в настоящее время ведет группу курсантов, срок обучения которых заканчивается накануне Дня независимости.

— Мне нравится работать с молодежью, — говорит Борис Иванович. — Мне нравится неугомонность наших ребят, их желание вникнуть во все технические тонкости, стремление самим дойти до сути. Сейчас я веду группу курсантов, которые изъявили желание стать машинистами мостовых и козловых кранов. С первых дней они с большим интересом изучают технику, на которой им в скором времени предстоит трудиться. И мне с ними легко работать.

Стать машинистами грузоподъемных кранов мечтают многие военные строители. Как правило, при формировании групп их желание учитывается. И вот курсанты предстают перед Котровским, он их расспрашивает, кто, откуда, чем занимался до армии, какой профессией владеет, серьезно ли намерение стать крановщиком.

— Я стараюсь не только помочь курсантам хорошо учиться, — говорит Б. Котровский, — успешно освоить материальную часть изучаемой техники, но и стремлюсь раскрыть их лучшие задатки. Это во многом способствует успешному изучению теории, а затем и приобретению практических навыков.

В учебном комбинате и, в частности, под руководством Б. Котровского, курсанты получают отличные знания. Это происходит еще и потому, что здесь создана прекрасная учебно-материальная база. Учебные классы оснащены разрезными агрегатами, узлами, деталями, действующими стендами, аппаратурой, приборами. Хорошо оборудованы классы для лабораторно-практических занятий, что позволяет качественно отрабатывать упражнения, предусмотренные программой.

Курсанты группы Б. Котровского обсудили и приняли обязательства по достойной встрече 11-й годовщины независимости Республики Узбекистан. Все сошлись на одном: лучшим подарком к предстоящему празднику будет отличная учеба каждого. Все стараются. Впереди идут курсанты Равшан Курбанов, Бахтиер Равшанов и другие. Борис Иванович считает, что они со временем станут отличными специалистами, которым по плечу выполнение любых, даже самых сложных задач.

Б. САИДОВ.

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ–СУВЕРЕН, МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ, ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТНИНГ МУНОСИБ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ

Қисқача кириш сўзида Мустақиллигимиз 11 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлаш лозим. Мустақиллик куни — халқимизнинг асрий орзулари, унинг озодликка, истиқлолга, ёруғ ва фаровон кунларга интилишлари рўёбга чиққан энг улуғ, энг азиз байрам. Шу туфайли ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир ташкилот, ҳар бир давлат тизими, ҳар бир маҳалла, оилада ушбу байрамга тўёна ҳозирлаш қалб амрига айланган. Бу эзгу ишдан Қуролли Кучларимиз жангчилари ҳам четда туришгани йўқ. Улар ҳозирги байрамолди кунларида жанговар шайлик ҳамда ҳушёрликни яна-да ошириш, ўқув-жанговар вазифаларни сифатли уддалаш, қисм ва бўлинмаларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратларини ишга солишмоқда.

Биринчи саволни ўрганишга киришилар экан, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини эълон қилиши оламшумул тарихий воқеа эканлигини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, мустақиллик эълон этилиши қўқисидан, ўзўзидан бўлгани йўқ, у олдиндан тайёрланди ва қонунийдир. Мустақиллик моҳиятини тушуниш учун унинг жамият ривожланиши жараёнида асрлар оша етилган зарурат эканлигини унутмаслик даркор. Мустақиллик истиқбоди жабрини тортган халқимиз хоҳиширодасини, мамлакатда ўтган аср 80-йиллари охири ва 90-йиллар бошларида юзага келган вазиятлар натижасини акс эттирди.

Ушбу вазиятни чуқур таҳлил этиш Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятига **1990 йилнинг июнидаёқ** суверенитет ҳақидаги масалани кун тартибига қўйиш имконини берди — **республика Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилди.**

Суверенитет нима ўзи? Бу — давлат ҳокимиятининг устуворлиги, ўз ички ва ташқи сиёсатини мустақил олиб бориши. Суверенитет, бу — мамлакат давлат ҳокимиятининг реал мустаҳкамланиши. Шу боис ҳам суверенитет тўғрисидаги Декларацияда Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўли ҳақида битилди. Унда СССР Олий Кенгашининг қарори Ўзбекистон Олий Кенгаши ратификация қилгачгина республикамиз ҳудудида кучга кириши, шунингдек, ўз ички ва ташқи сиёсатимизни мустақил шакллантиришимиз айтилди. Мамлакатимизда мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этиш жараёни бошланди.

1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунини қабул этди. Мамлакат парламенти ана шу вақтда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида» қарор қабул қилди. Ўзбекистон Иттифоқ таркибидан чиқиб, суверен, мустақил давлат бўлди. 1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни деб эълон қилинди. Ўзбек давлатчилиги ва ўзбек халқи тарихида янги давр бошланди — ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришга киришилди. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлат барпо этила бошланди.

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасдиқланди. 1992 йил 10 декабрда республика парламенти Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу давлат рамзларининг тасдиқланиши яна ва яна бир бор янги суверен, мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини ифодалаб турибди.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ мамлакатда давлат бошқарувининг янги тамойилини жорий этиш жараёни фаол бошланиб кетди. Унинг асосини республика билан Президентлик бошқаруви ташкил этди. Вилоят, туман ва шаҳарларда бошқарув қайта ташкил этилиб, ҳокимиятлар институти барпо қилинди. Мустақил Миллий ахборот агентлиги, авиакомпания, кинокомпания ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тузилди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди. Мустақил давлатнинг Асосий Қонунини қабул қилиш билан Республикада янги сиёсий қурилишнинг биринчи босқичига якун ясалди ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий демократик қайта қуришда бозор муносабатларида «ўзбек модели» асосланган янги босқичи бошлаб берди. Ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти, келажаги буюк давлат қуриш бошланди.

Мустақилликнинг ўн бир йили мобайнида биз улкан ва ривожланишнинг ўзига хос йўли — янгиланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлни бошқа мамлакатлар ўн йил ёки юз йил ичида босиб ўтиши мумкин. Ютуқларимиз улкан. Улар халқимиз, миллионлаб меҳнаткаш одамларнинг янги шароитдаги жасорати туфайли қўлга киритилди. Ишчи, деҳқон, зиёли, тадбиркор, мамлакат, мустақиллик, келажак авлод тақдирини қўлга олган янги раҳбарлар жасорати бу.

Бугунги Ўзбекистон Республикаси — бу дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган мустақил суверен давлат. Жаҳоннинг етакчи иқтисодий ва молиявий тизилмалари билан яқиндан ишчан алоқа ўрнатган давлат. **1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 14—15 август кунлари барча қисм ва бўлинмаларда «Ўзбекистон Республикаси — суверен давлат, мустақиллигимиз 11 йиллигини юксак жанговар шайлик ва мустаҳкам ҳарбий интизом билан кутиб оламиз» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ушбу мавзуга мурожаат этиш ҳарбий хизматчиларга давлатимиз мустақиллиги, суверенитети, демократик мамлакат халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти, ўзбек халқининг истиқлол йўлида амалга оширган ишлари, Ўзбекистон мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз тинч ҳаётини ишончли ҳамда самарали ҳимоя қилиш зарурлигини, ҳарбий бурч, ҳарбий Қасамёд талабларига, Ватанга, халққа ва Президентга содиқ бўлиш нақадар муҳим эканлигини чуқур идрок қилишларида ёрдам беради.

Мазкур мавзу бўйича машғулот ўтказишга қисм ва бўлинмалар раҳбарияти таркибини, тарбиявий ишлар органлари офицерлари ҳамда энг яхши ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларини жалб этиш мақсадга мувофиқ. Мавзуни қуйидаги икки саволга ажратиб ўрганиш маъқул:

1. Ўзбекистон Республикаси — суверен, мустақил давлат, халқаро ҳамжамиятнинг муносиб ва тенг ҳуқуқли субъекти. Мамлакатимиз 11 йиллигига республикамиз ривожланишининг энг муҳим натижалари ва ютуқлари.

2. Мустақиллигимиз 11 йиллигини юксак жанговар шайлик ва мустаҳкам ҳарбий интизом билан кутиб оламиз.



Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Республика Хельсинки жараёнига фаол қўшилди ва ЕҲҲТнинг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон кўпгина обрўли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди, чунки Ўзбекистон мунтазам равишда конструктив ташқи сиёсат олиб бормоқда, қисқа давр ичида Президент И. А. Каримовнинг доно ташқи сиёсий фаолияти туфайли дунё ҳамжамиятида улкан обрўга эга бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон АҚШ, Япония, Европа ва Осиёнинг кўплаб мамлакатларининг стратегик ҳамкори ҳисобланади.

Бугунги Ўзбекистон Республикаси — бу мамлакатни демократия ва ўзгаришлар йўлини янада чуқурлаштириш учун мустақил ҳуқуқий асос яратилган давлатдир. Икки палатали парламент ва Президент ваколати муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш тўғрисида ўтказилган 2002 йил январдаги Референдум халқимиз мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва Президент И. А. Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган бутун ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди.

Бугунги Ўзбекистон Республикаси — бу бозор иқтисодиёти етарли даражада ривожланган давлатдир. Мамлакатнинг иқтисодий қуввати тўхтовсиз ўсмоқда. Асосий соҳалар — саноат ишлаб чиқаришида, янги технологияни жорий этишда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда, фан ва маданият ривожланмоқда. Бу — халқ таълимининг илғор тамойили жорий этилган давлатдир. Бу соҳада ислоҳотлар кадрларнинг тайёрлаш миллий дастурига асосланган. Бу дастур кўпгина мамлакатлар ва халқларга намуна бўлди, жаҳон ҳамжамияти томонидан энг илғор дастурлардан бири деб тан олинди. Бугунги Ўзбекистон Республикаси — бу тинчлик ва барқарорлик ҳукмронлик қилаётган, фуқароларо ва миллатлараро тотувлик қарор топган — бизнинг энг катта бойлигимиз — давлатдир. Бу қимматбаҳо неъматни аҳамияти кундан-кунга одамлар тафаккурида ўсиб бормоқда. Бизнинг вазифамиз — уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашдир.

Бугунги Ўзбекистон Республикаси — бу Марказий Осиёдаги пешқадам давлат. Бу — ҳозирги замоннинг энг қизғин ва энг хавфли муаммоси — халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш муаммосини ҳал қилишда энг илғор, авангард давлат. Ўзбекистоннинг ва шахсан Президент И. А. Каримовнинг бу масаладаги етакчилик роли воқеалар ривожи билан исботланган. Давлатимиз раҳбарининг бу иллатнинг қаерда бўлмасин, жуда хавфли эканлигини олдиндан кўра билиши тўлиқ тасдиқланди. Юртбошимизнинг амалий фаолияти ҳозирги кунда БМТ, ЕҲҲТ, МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти ва бошқа ташкилотлар томонидан тан олинган. Жаҳон ҳамжамияти И. А. Каримовдан антитеррористик операцияларни фаол қўллаб-қувватлагани ва халқаро терроризмга қарши курашда кўрсатган ёрдами учун жуда миннатдор.

Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси — бу фуқаролари ўтмиш сарқитларидан қатъий воз кечган давлат. Улар ҳаётдаги ўз ўрниларини янгича қурмоқдалар ва бозор муносабатларига ўтишда «ўзбек модели» негизида ўтказилаётган ислоҳотларнинг тўғрилигига ишонадилар. Улар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қурилаётгани ва у муваффақият билан қуриб битказилишига қатъий ишонадилар.

Мустақилликнинг 11 йили мобайнида мамлакатимиз ривожланишининг умумий якунлари ана шулардан иборат. Бизнинг бу йўлда эришган ютуқларимиз ҳам эътиборга моликдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисида гапириб ўтилди. Бу мажлис материаллари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ўрганиб чиқилди. Бугун биз фақат мустақил давлат ривожланишининг асосий йўналишларида мамлакатимиз эришган баъзи ютуқлар ҳақида эслатиб ўтмоқчимиз. Улар қандай ютуқлар?

Иқтисодиёт соҳасида. 2002 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига солиштирганда 4,2 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,2, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 4,5, истеъмол товарлари 11,5 фоизга кўпайди. Шу даврда чакана товар айланиши 8,3, пуллик хизматлари ҳажми эса 12,7 фоизга ошди. Бу рақамлар иқтисодиётимиз оғишмай олға бораётганлигининг, динамик тарзда ривожланаётганлигининг ёркин исботидир.

Бу йил мисли кўрилмаган ғалла ҳосили тўпланди. Жами ғалла ҳосилимиз 4,7 миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида ўртача ҳосилдорлик гектарига 41,5 центнерни ташкил этди.

Иқтисодиётни янги ва янги технологиялар негизида ислоҳ қилиш янада ривожланди. Кичик ва ўрта бизнес муваффақиятли ривожланмоқда. Кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланди. Банкларнинг саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги роли янада фаоллашди. Иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб қилиш кучайди. Экспортга мўлжалланган маҳсулот ҳажми кўпайиб бориши таъминланмоқда.

Сиёсий соҳада. Давлат қурилиши соҳасида эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда. Бу — ҳокимиятнинг барча бўғинларини бўлиш принципини янада мустаҳкамлаш, ҳукумат бошқарув функцияларини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бериш, фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилишни кучайтириш. Ушбу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи ва саккизинчи сессиялари қарорлари муҳим аҳамият касб этди.

Шуни таъкидламоқ керакки, ижтимоий-сиёсий тузилмани ислоҳ қилишда мамлакатимиз янги масъулиятли босқичга — ҳокимиятнинг юқори бўғинларини ислоҳ қилишга киришди. Бу бошқа давлатларнинг тарихий тажрибаси ва ҳокимият тузилмаларини, умуман бутун жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш зарурияти негизида ўтказилмоқда.

Ижтимоий соҳада. Аҳолининг энг ҳимояга муҳтож қисмига эътиборни кучайтириш жараёни давом этмоқда. 1 августдан эътиборан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори 15 фоизга оширилди. Оналар ва болалар йили, бу йилги Қарияларни қадрлаш йили дастурларини амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш давлатимиз олдидаги энг муҳим масалалардан бири.

Маънавий соҳада. Мустақиллик йиллари мобайнида биз дунё маданиятининг аввал кўпчилик билмаган катта қисмини юзага чиқардик. Биз ўзимизнинг муқаддас миллий байрамларимиз — Наврўз, Рамазон ва Қурбон ҳайити ва бошқаларни бутун улуғворлиги билан қайта тикладик. Буюк аждодларимиз номлари, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашганлар ҳамда элимизнинг бошқа шонли ўғлонларининг номлари ҳам бутун савлати ила нур сочмоқда. Миллатнинг маънавий юксалишида тарихий илдизларимизни ўрганиш, миллий анъана ва удумларимизни қайта тиклаш, санъат, фан ва маданиятни ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳарбий соҳада. Мустақиллик йилларида биз суверенитетни, мамлакат ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қодир янги миллий армия ташкил этдик. Ҳарбий ислоҳотлар давомида эса мамлакат, унинг фуқаролари хавфсизлигини, жамоат тартибини таъминлайдиган, сифат жиҳатдан янги Қуролли Кучлар пайдо бўлди.

Буларнинг бари — бизнинг эътироз билдириб бўлмайдиган ютуқларимиз, фахрланишимиз мумкин бўлган муваффақиятлардир. Аммо биз эришилган натижалар билан чекланиб қолмаймиз. Бизнинг бош вазифамиз янада юксак суръатлар билан олға интилиш, мустақиллик, мамлакат манфаатлари йўлида, фаровонлик, гуллаб-яшнаш учун ғалаба кетидан ғалабаларни қўлга киритишдир.

Иккинчи саволни муҳокама этишга ўтар эканмиз, яна бир бор мамлакат Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонининг 9 май куни Хотира майдонида эиёлиларга, журналистларга қарата айтган сўзларига эътибор қаратиш лозим. Ўшанда Юртбошимиз бундай деганди:

— Неча йиллардан бери бошимизда қора кўланка солиб турган кучларнинг пайи қирқилди. Аммо бир зум бўлсин биз бепарво бўлмаслигимиз керак.

Ушбу кўрсатма халқаро террорчилар ҳали тўла яксон қилинмаганини, улар ҳамон жиддий хавф туғдираётганини, шунинг учун ҳам биз ҳушёр, доимо жанговар шай бўлишимиз лозимлигини англатади. Биз кўп бор синовдан ўтган ҳақиқатни доимо ёдда тутишимиз керак: қўлга тушмаган душман янада макр, айёр, янада сурбет, энг қабиҳ ишларга ҳам қодир бўлади.

Ҳушёрлик ва жанговар шайликни юксалтириш масалалари бугунги кунда, Мустақилликнинг 11 йиллиги тантаналарини ўтказишга ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Душман разил ишларини амалга ошириш учун доимо халқлар, давлатлар ҳаётидаги шундай дақиқаларни танлайди; бепарволикка, вақтичоғликка умид қилади. Бизнинг вазифамиз душманнинг умидини пучга чиқариш, унинг ўз режаларини амалга ошириш учун бирорта ҳам имконият қолдирмасликдир. Биз Мустақилликнинг 11 йиллигини юксак жанговар шайлик, мустаҳкам ҳарбий интизом билан кутиб олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоғимиз керак.

Бу амалда нимани англатади? Ҳарбий хизматчиларнинг асосий диққат-эътибори, фаолиятлари нимага қаратилмоғи лозим.

Биринчидан, жанговар ўқув сифатига. Жанговар ўқув шиорининг муҳим таркибий қисми бўлган профессионализмни жангчининг ҳарбий мутахассисликни чуқур эгаллаш, жанговар маҳоратини ошириш учун кундалик меҳнатисиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Ҳарбий хизматчиларга яна бир бор эслатиб ўтмоқ жоиз, ҳарбий хизмат фақат белгиланган иш тартиби, машқлар, нормалар, қатъий тартиботгина эмас, балки, янги билимлар: умумий, махсус, ҳарбий, биринчи навбатда ўз касби, мутахассислигига оид илмларни эгаллашнинг узлуксиз жараёнидир. Ушбу илмларни мукаммал эгаллаш, ўзига ишониб топширилган техника ва қурол-аслаҳа, ускуналарни, улар билан ишлаш усулларини яхши билиш ҳар бир жангчининг ватанпарварлик бурчидир.

Иккинчидан, биз бир дақиқа ҳам ўз ҳарбийлик бурчимизга содиқлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Ватанга, халққа, Президентга содиқлик моҳиятан жангчининг маънавий кучи асосини ташкил этади. Унинг юксак маънавий-жанговар ва руҳий-психологик жиҳатлари жангнинг боришини, натижасини ҳал қилади, душман устидан ғалабани таъминлайди. Шунинг учун ҳам жангда муҳим бўлган юксак руҳий-жанговар ва психологик сифатларни шакллантиришга ҳар куни эътибор бериш керак. Ушбу масалани ҳал этиш жанговар ўқувнинг боришига, жангчининг ижтимоий-сиёсий тайёргарлигига, катта ёрдам беради.

Учинчидан, ҳушёрликни, сергакликни доимо ошириш, қоровуллик, ички хизмат, жанговар навбатчилик вазифаларини виждонан бажариш ҳар бир жангчининг ҳаёт қонунига айланмоғи керак. Бунда илғор, биринчи навбатда жанг тажрибаларини чуқур ўрганиш, рақибни, унинг қурол-аслаҳаларини, тактик ҳаракатларни, ғояси, руҳий тайёргарлигини муфассал билишнинг ҳам аҳамияти катта.

Тўртинчидан, шуни доимо эсда тутиш керак. Юксак жанговар шайлик ва мустаҳкам ҳарбий интизом ажралмас тушунчалардир. Мустаҳкам ҳарбий интизом, жангчининг Ватанни ҳимоя килиш бўйича бажараётган бурчини чуқур англаб етиши, сўзсиз ижрочилик ва итоат жангчининг руҳиятини мустаҳкамлайди, маънавий-жанговар, психологик сифатларни маҳкам бирлаштиради ва уларнинг душман билан қуролли тўқнашувларда яққол намоён бўлишига ёрдам беради.

Интизомли, ижрочан бўлиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчидир.

Биз она-Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Биз юртимиз келажагини ўйлаймиз ва уни барпо этамиз. Шунинг билан бирга биз — жанговар постдамиз, муқаддас Ватанимиз сарҳадлари ҳимоясидамиз. Биз ўз келажагимизни барпо этиш мураккаб вазиятларда амалга оширилишини ҳечам эсимиздан чиқармаймиз. Ўзимиз яшаётган замон чақириқларига ҳам муносиб жавоб берамиз. Шунинг учун ҳам доим ҳушёрмиз. Мустақилликнинг 11 йиллигини биз янада юксак жанговар шайлик ва мустаҳкам ҳарбий интизом билан қарши оламиз. Аслида бурчимиз, мажбуриятимиз ҳам шу!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар Бош бошқармаси.

● НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ

ЕДИНСТВЕННО ПРАВИЛЬНЫЙ ВЫБОР

Сегодня, когда весь народ стремится достойно встретить 11-ю годовщину независимости страны, свой посильный вклад в это общее дело вносят и военные медики. Применяя богатый практический опыт, знания и навыки, они делают все от них зависящее, чтобы как можно быстрее вернуть в строй вооруженных защитников Родины, тех, кто призван как зеницу ока оберегать ее священные рубежи, ее завоевания. И делают это на высоком профессиональном уровне, не жалея при этом ни сил, ни времени.

Точно подмечено: у военных медиков нет ни выходных, ни праздников. Они всегда на посту, всегда на передовой, ведя ежедневный бой с недугами и болезнями. И не важно, у кого какая специализация. Будь то терапевт, хирург, кардиолог — все в ответе за самое главное — здоровье людей. Нелегкий выбрали они для себя путь, ведь врачевание — это не только «прописывание» таблеток, заполнение историй болезней. Быть настоящим врачом — значит проникнуть в глубочайшую суть самой гуманной профессии. Подполковнику медицинской службы Абдурашиду Кузибаеву (на снимке), пожалуй, это удалось. Сегодня, с высоты прожитых лет, он отчетливо осознает, что в свое время сделал единственно правильный выбор, когда посвятил себя медицине. Хотя могло быть и по-иному...

Будучи школьником, его неудержимо влекло к тем наукам, у которых еще много тайн и загадок. Всерьез увлекался историей и географией, неоднократно становился участником областных и республиканских олимпиад, где неизменно завоевывал призовые места. Казалось, выбор профессии предрешен, но, став студентом истфака, начал понимать, что есть в мире тайна, которая во сто крат превосходит те, которые расскажут нам об исчезнувших цивилизациях, и это ни что иное, как человек. Абдурашиду, с его пытливым умом, не давала покоя мысль, почему иногда молодые, пышущие здоровьем люди вдруг тают на глазах как свечи и уходят из жизни. Но больше всего волновало другое: а нельзя ли помочь им, неужто не существует в природе тех противоядий, которые бы облегчили их участь? Именно это обстоятельство круто изменило его жизнь.

По окончании мединститута работал врачом «скорой помощи», где каждый вызов, пусть самый незначительный, для него был главным и решающим. С таким же усердием трудился затем и в поликлинике, стремясь не только установлением точного диагноза и медикаментами поддержать обратившихся за помощью, но и участием, добрым словом вселить в больных веру в положительный исход. Не изменяет себе Абдурашид Кузибаев и сейчас, когда вот уже на протяжении восьми лет трудится в лечебных учреждениях Вооруженных Сил, а последние четыре — в стенах Центрального военного клинического госпиталя. Возглавляемое им гастроэнтерологическое отделение, к великому сожалению, практически не пустует. Язвенные болезни, колиты, холециститы, гастриты, эрозивные бульбиты и многие другие «заумные» болезни все еще преследуют людей. Избавить от них, вновь вернуть человека в жизнь без боли и мучений — вот главная задача подполковника Кузибаева. В совершенстве изучив природу этих заболеваний, зная их первопричины, он смело вступает с ними в бой и выигрывает его, за что искренне благодарны ему солдаты, офицеры, ветераны Вооруженных Сил, которые, покидая отделение, на долгие годы, а то и навсегда забывают о своих болячках. И ради этого стоит жертвовать свободным временем, домашним уютом, в конечном итоге — стоит жить, тем паче, что жизнь посвящена именно этому.



Подполковник Я. КОРУКА.

Фото автора.

● 12 АВГУСТ — ХАЛҚАРО ЁШЛАР КУНИ

ЭРТАНГИ КУНИНИ ЎЙЛАСА ОДАМ

Илгари ҳам ёшларга таалуқли ҳар хил саналар бор эди. Аммо уларга кўпроқ сиёсий тус берилиб, ёшлар муаммолари бир четда қолиб кетаётганди-да, аксар ҳолларда. Шу боис БМТ Бош Ассамблеяси 1999 йил 17 декабрда 54/120 1-резолюцияси билан 12 августни ана шундай номлаш хусусидаги тавсияни маъқуллади. Эслатиб ўтамиз, бу тавсия 1998 йилнинг 8—12 августида Лиссабонда бўлиб ўтган Бутунжаҳон конференциясида илгари сурилганди.

Мазкур халқаро сана муносабати билан бу борада қилинаётган ишларга назар ташлаб ўтсак. Шулардан энг муҳими 1965 йилда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган декларациядир. У «Ёшлар орасида жаҳон идеалларини кенг қулоч ёдириш, ўзаро ҳурмат ва бир-бирини тушуниш тўғрисидаги декларация» деб номланади. Орадан роппа-роса 20 йил ўтиб, Бош Ассамблея ёшларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнига юксак баҳо бериб, 1985 йилни халқаро ёшлар йили деб эълон қилди. Мазкур йил давомида халқаро ташкилот ёшлар билан ишлашга мўлжалланган узоқ муддатли глобал стратегик тамойилларни тавсия этганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Бир сўз билан айтганда, бу ушбу йўналишда иш олиб боришнинг раҳбарлик тамойиллари эди. Бораберда БМТ ҳукуматларга ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида етакчи тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда ёрдам берди.

Орадан 10 йил ўтиб, яъни 1995 йилга келиб, халқаро ташкилот ёшлар муаммоларига янада кенг эътибор қаратди. Ахир, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС хасталигига чалиниш ортиб бораётганди-да. Масалан, 2001 йил декабригача дунё бўйича 40 миллион ОИТС хасталигига чалинганлар ҳисобга олинган бўлса, уларнинг 2,7 миллион нафари 15 ёшгача бўлган болаларни ташкил қилган. Хуллас, 1995 йилда БМТ ёшлар муаммоларини қамраб олган халқаро стратегияни — бутунжаҳон ёшлар ҳаракат дастурини қабул қилди. Қисқача қилиб айтганда, дастур ёшлар мавқеини яхшилаш борасида амалий йўналишларни белгилаб берди. Дастурда, шунингдек, БМТ раҳбарлиги остида ёшлар масалалари бўйича ташкилотлар, вазирликларнинг бутунжаҳон конференцияларини чақириб туриш, унда глобал масалалар кўриб чиқилиши белгиланган. Мақоланинг бошида айтиб ўтганимиз — Лиссабон конференцияси бу борадаги биринчи қадам эди. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур конференция ёшлар сиёсати бўйича муҳим декларация қабул қилди.

Маълумки, БМТнинг ёшлар жамгармаси бор. У ёшлар масалаларига оид лойиҳаларни молиялаштириб келаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йилнинг 24 январида ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқи келажак ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. «...Юртимизда яшаётган, ўсининг, ўғил-қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳар бир одам, ҳар бир ота-она барча қилаётган ишларим, аввало, ўринмни босадиган фарзандим учун, зурриётларимнинг бахту саодати учун, деб билади», деган эди Юртбошимиз ўша йиғилишдаги маърузасида. Эътибор беринг, бу сўзлар замирида ўзбекона бир фалсафа ётибди. Негаки, фарзандини, унинг бахт-иқболини ўйламайдиган ўзбек йўқ. Бу билан айтмоқчиманки, истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳукуматимиз ҳам, кенг жамоатчилик ҳам келажак авлод тарбиясига, муаммоларига катта эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекнинг ёшлари ўз билими билан Америка-ю Европани, жисмоний устуворликлари билан марибу машрики лол қолдирмоқда. Бу имкониятни эса уларга мустақиллик инъом этаётганини таъкидламасдан иложимиз йўқ.

Капитан А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Республика Таълим марказида ўқувчиларни ҳаётий кўникмаларга ўргатишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ҳукумати билан БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўртасида 2004 йилгача тузилган «Бола ҳаётини яхшилаш» ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилган мазкур семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган ўқитувчи, методистлар қатнашди. Уларга Бола ҳуқуқларини тўғрисидаги конвенцияни ўқув жараёнига татбиқ этиш, илғор педагогик методлар асосида дарс ўтиш усуллари ҳақида маълумотлар берилди.

Тингловчилар етти кун давомида ЮНИСЕФ томонидан таълим жараёнида илғор педагогик технологиялардан, турли хил услубий кўргазмали материаллардан фойдаланиш борасида тажриба алмашди.

Ҳ. СОДИҚОВА,
ЎзА мухбири.

Экономика. Наука. Техника

ВУЛКАН АКТИВИЗИРОВАЛСЯ

На Папуа — Новой Гвинее в пятницу активизировался вулкан Маунт Паго. На несколько километров из кратера летит пепел и дым. Извержение вулкана началось в понедельник, однако выбросов лавы не наблюдалось. По сведениям полиции, из опасной зоны эвакуировано 6—8 тысяч человек. Паго, по данным специалистов, молодой вулкан. Его возраст составляет приблизительно 350 лет. Однако этот вулкан является частью мощной вулканической системы.

РЕВОЛЮЦИЯ В ЛАЗЕРНОЙ ФИЗИКЕ

Лауреат Нобелевской премии Жорес Алферов и его команда вновь сделали революцию в лазерной физике. Российские ученые закончили работу «Фундаментальные исследования процессов формирования и свойств гетероструктур с квантовыми точками и создание лазеров на их основе». Эта работа на днях была отмечена Государственной премией. По словам автора исследования, ученые доказали, что вырастить кристалл с кусочками другого материала внутри без дефектов можно. Такой опыт считался до недавнего времени невозможным.

Новая работа позволяет, в частности, разработать оптоэлектронные приборы **новых поколений.**

(По страницам Интернета).

ТОТУВЛИК

Подполковник Мўмин Мамадалиев:

— Ёзаман десангиз, қисмимизда моҳир офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, аскарлар кўп, — деди мамнун.

— Командирнинг ўзи ҳақида ёзишимга нима маслаҳат берасиз? — сағал қувлик билан савол бердим.

— Шахсий таркиб тўғрисида ёзганингиз менинг тўғримда ёзганингиз-да, — деб жавоб қилди камтарлик билан подполковник.

Шахсий таркибнинг жанговар фаолияти борасида баҳоли қудрат ёзаяпман. Бироқ, шахсий ҳаёти, оилавий турмуши хусусида ёзишга келганда, негадир четлаб ўтаётгандекман. Аслида, офицернинг оилавий муҳити унинг яхши хизмат қилишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис командирнинг оилавий ҳаётини қаламга олишга қарор қилдим.

Оила бошлиғи Мўмин ака Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги Қатортол қишлоғида таваллуд топган. Шу қишлоқдаги мактабда ўқиган. Мактабни тамомлагач, Чирчиқ олий танкчи командирлар билим юртига ўқишга кирган. Бироқ, қадрдон дўсти Фарҳод:

— Бу ерда ўқиш қийин. Яхшиси, келгуси йил бошқасига кирамиз, — дегач, дўстининг гапини икки қилмаган. Армияда аскар бўлиб хизмат қилган. Интизомли бўрчини ўтаб бўлгач, бир йил ҳайдовчилик қилган. Ана шу пайтда ўзининг ўрни ҳарбийлар орасида эканлигини англаб етган. Тошкент олий ҳарбий қўмондонлик билим юртига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган. Бу гал Фарҳоднинг маслаҳатига кирмаган. Билим юртини тамомлаб, бир неча йил Миллий Гвардия сафида хизмат қилган. 1997 йил Қуролли Кучлар Академиясини тамомлаган. Айни чоғда подполковник Мўмин Мамадалиев мотоўқувчилар қисми командири.

Келин — Танзила Саидова Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидан. Тошкент давлат техника университетини тамомлаган.

— Бир куни, — дейди Мўмин ака, — офицер дўстим Ринат Саидов туғилган кунига айтиб қолди. Совға-саломларни кўтариб, белгиланган вақтда етиб бордим. Дўстимнинг туғилган куни бахтимни топишимга сабаб бўлди. Танзилахон билан танишиб қолдим. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келди. тезда тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Шундан бери бирга турмуш кечириб келяпмиз.

— Аслида, — деди Танзилахон, — биз олдин ҳам бир-биримизни кўрганмиз. Укам Жавдат Миллий Гвардияда аскар бўлиб хизмат қиларди. Бир неча бор кўргани борганман. Кўзлари тушган-ку, эътибор бермаганлар. Туғилган кунда эса кўзларини мендан узолмай қолганлар.

— Шу куни ўзлари ҳам менга жуда меҳрибон бўлиб қолганлар. Бир чой қуйиб узатади, бир ичимлик денг, — дея Мўмин ака жилмайди.

— Меҳмон отангдай улуғ, деган гап бор. Мен сизни меҳмон деб ҳурмат қилганман. Сиз бўлсангиз бошқача тушунгансиз. — бўш келмайди Танзилахон.

— Ўзингиз айтинг, менга тегиб ютқаздингизми? — гапга тушиб кетди Мўмин ака. — Кир ювишни биламан, мен учун дазмол қилиш хамирдан қил суғургандек иш. Зарур пайти керак нарсаларни ўзим тикиб олаверамаи. Истаган таомни тайёрлай оламан. Қўйиб берсангиз, бола боқишни ҳам биламан. Битта эр шунчалик бўларда?!

— Бой, бу кишимнинг гапларини қаранг! — дея жилмайди Танзилахон. — Бу кишини хизматга қизатиб қўйиш учун эрта тураман, келишларини кутиб кеч ухлайман. Тўғриси, ҳарбийнинг турмуш ўртоғи ҳам ҳарбий бўлар экан.

Бу сўзлар замирида самимийликка йўғрилган эркалаш, ҳазил, бир-бирига ҳурмат яширинган. Бу сўзлар замирида бахтли оиланинг ҳақиқий муҳаббати барқ уриб турибди. Бу сўзларни тинглар эканман, менинг миямда «тотувлик» деган сўз чарх урди. Тотувлик — оиланинг асоси. Тотувлик бор жойда турмуш ширин бўлади. Эркакдир, аёлдир, оила юмушларини ҳам, давлат ишларини ҳам ғайрат билан муваффақиятли бажаради. Бу бахтли оила икки ўғилни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

Бугун подполковник Мўмин Мамадалиев хизматда нимаки ютуқларни қўлга киритаётган бўлса, бунда энг аввало оилавий тотувлик катта роль ўйнамоқда.

Майор А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КИТОБ ҚАНДАЙ МАҚСАДДА ЎҚИЛАДИ?

Аксарият ёшлар яхши кийинишга ружу қўйишади. Хориж либосларини кийиб, ташқи қиёфаларини кўз-кўзлашни хуш кўришади. Лекин бадиий, илмий китобларни ўқишмайди. Бу эса маънавий қашшоқликни келтириб чиқариши табиийдир.

Олимлар илмни икки тоифага ажратишади. Биринчиси — илми ҳол. Яъни, бирор кўламдаги туғма қобилият. Баъзи одамлар сабоқ олмасдан туриб ҳам илм соҳиби бўла оладилар. Бундайлар кам учрайди. Уларни ҳол аҳли дейишади. Иккинчиси — қол илми. Қол арабча сўз бўлиб «деди» маъносини англатади. Одамзод бировларнинг ҳикматли сўзларини эшитиб, бадиий ва илмий китоблар ўқиб ҳам билимли бўлмоғи мумкин. Мазкур жараёнда инсоннинг тушуниш, ҳис этиш лаёқати муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда бир нақл: ҳаётда омади келмаган, косаси оқармаган одам донишманд ҳузурига келиб дебдики:

— Эй, доноларнинг доноси! Сен машҳур ва бой инсонсан. Лекин бу ёруғ оламда менинг ишларим олға силжимаяпти. Машҳур бўлишим учун нима қилишим керак?

— Сен илми ҳол соҳибимисан?

— Йўқ.

— Китоб ҳатм қилиб билимингни оширганмисан? Илми қол эгасимисан?

— Афсуски, илми ҳол ҳам, илми қол ҳам мендан йироқ...

Донишманд бошини қуйи солиб, хаёлга чўмибди. Пича вақтдан кейин дебди:

— Молинг борми?

— Йўқ.

— Сол-чи? Яъни, улуғ ёшга кириб, бирор соҳада тажриба орттирганмисан?

— Кўриб турибсиз-ку, ахир... Ҳали ёшман. Тажрибага ҳам эга эмасман.

Донишманд сукут сақлабди.

— Энди мен нима қилишим керак?, дебди йигит.

Донишманд жилмайиб дебди:

— Сенда ҳол, қол, мол, сол бўлмаса, демак энди ўлиб кетавермоғинг жоиздир.

Албатта, бу бир афсона. Лекин унинг замирида ҳақиқат яширин. Одамзоднинг тафаккури, зеҳни, заковати мутолаа жараёнида чархланиб боради. Оғзаки ва ёзма нутқнинг равонлашувида китоб кўп наф келтиради.

Жорий йилнинг 3 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг ўнинчи бандида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш даркорлиги таъкидланади. Шу қарордан келиб чиққан ҳолда ҳарбий қисмларда ҳам китоб мутолааси борасида сўровномалар ўтказилмоғи мақсадга мувофиқдир. Зотан, китоб ҳеч қачон эскирмайдиган, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган бойликдир.

Б. РЎЗИМАТОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ТУРФА ОЛАМ

ИККИ БОШЛИ БУЗОҚ

Гондурас аҳолиси ноёб ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Агуа-Бланка қишлоғида икки бошли бузоқ дунёга келди.

Аввалига қишлоқ аҳли Адан Росалиснинг сигири афсонавий маҳлуқ туққани ҳақидаги яшин тезлигида тарқалган хабарни кимнингдир ҳазили деб ўйлади. Лекин инсон барибир қизиқувчан — Росалис уйининг олдида оз-оздан йиғилган бекорчилар зум ўтмай катта оломонга айланди. Икки бошли бузоқ туғилгани ҳақидаги овоза тезда пойтахтга ҳам етиб борди. Узоқ кутгирмасдан журналистлар, кўлида кинокамераси билан телеоператорлар ҳозиру нозир бўлди.

Ҳангу манг турган бечора деҳқон эса ўзига ёғилаётган саволларга жавоб бериб улгурмасди. Ахийри у ғалвонинг асл сабабчисини олиб чиқиб одамларга кўрсатишга мажбур бўлди. Оломон олдида икки бошли бузоқнинг жасади турарди.

Бир неча ой аввал Росалис бозордан сигир сотиб олган эди. Яхши ният билан у сигирини Бонита деб атади. Буни қарангки, икки ой ўтмай Бонита болалади. Мол эгасининг айтишича, кечаси туғилган бузоқ бошини онаси қорнидан чиқара олмагач, эгасининг ўзи уни тортиб олишга мажбур бўлган. Бузоқ туғилганда эса, деҳқон ҳайратдан ёқа ушлаб қолган. Не кўз билан кўрсинки, жониворнинг боши иккита эди. Бузоқ аввалига гавдасини тута олмаган. Сал фурсат ўтиб, иккала бош ҳам барча янги туғилган бузоқлар каби мўъраган. Афсуски, орадан ярим соат ўтиб, ўлиб қолган.

Гарчи, оддий одамлар ҳайратга тушса-да, бундай воқеалар фан учун янгилик эмас. Шифокорлар тили билан айтганда, нуқсон билан туғилиш ҳолати паталогиядир. Бузоқнинг ортиқча бош билан дунёга келиш ҳодисаси эса фанда аномалия деб аталувчи ҳодисалар турига киради. Бундайлар узоқ яшамайди. Росалиснинг бузоғи туғган сурат эртаси куни барча маҳаллий газеталарнинг биринчи саҳифасини эгаллади. Бироқ ғаройиб бузоқ ўз шуҳратини кўра олмади.

М. ИСОМИДДИНОВА.
(ЎзА).

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!
Изучаем общевоинские Уставы

Уважаемые военнослужащие! Дорогие читатели!

Организованный редакцией газеты «Ватанпарвар» конкурс «Изучаем Общевоинские уставы» даст вам прекрасную возможность не только проверить свои знания и развить творческий потенциал, но и стать обладателем специальных призов (магнитофон, радиоприемник, часы и др.), поощрительных премий. Воспользуйтесь этим шансом и станьте победителем! Конкурс завершится в преддверии Дня защитников Родины.

Набранные баллы будут подсчитываться ежемесячно и ежеквартально. Вырежьте очередной тест, подчеркните правильные варианты ответов. Напротив каждого ответа обязательно укажите название использованного Устава и номер статьи из него. Укажите ваши воинское звание, фамилию, имя, адрес и отправьте в редакцию. Не забудьте на конверте поставить пометку «На конкурс!».

Приглашаем к активному участию в конкурсе. Удачи вам!

ВОПРОСЫ ТЕСТА № 26

1. Когда заместитель командира бригады по тылу обязан проверять наличие и состояние материальных средств на складах и подразделениях?
A. Не реже одного раза в месяц.
B. Не реже двух раз в месяц.
C. Не реже двух раз в год.

2. У кого находятся ключи и чьей печатью опечатываются шкафы и ящики с пистолетами и боеприпасами?
A. Опечатываются старшиной взвода, и у него же находятся ключи.
B. Опечатываются командиром взвода, и у него же находятся ключи.
C. Опечатываются старшиной взвода, а ключи находятся у дежурного по взводу.

3. Как формируется отдельное подразделение из личного состава, прибывшего на пополнение в бригаду?
A. Приказом по бригаде.
B. Распределяет командир батальона.
C. Распределяет командир взвода.

4. Какой дисциплинарной властью пользуются старшины, занимающие должности командиров взводов, назначенные начальниками команд в командировке?
A. Властью заместителя командира группы.
B. Властью командира взвода.
C. Властью командира группы.

5. Дисциплинарное взыскание — понижение в воинском звании (должности) — с офицеров может быть снято:
A. При образцовом выполнении воинского долга через шесть месяцев.
B. Не ранее чем через год со дня снижения в должности.
C. После того, как оно сыграло свою воспитательную роль, но не ранее, чем через три месяца.

6. Где рассматриваются и обсуждаются проступки военнослужащих, проходящих военную службу по контракту?
A. На собрании военнослужащих, проходящих военную службу по контракту.
B. На собраниях сержантов и старшин.
C. По усмотрению командира бригады.

7. Допустимо ли при задержании военнослужащего, оказывающего вооруженное сопротивление в общественном месте, применение холодного оружия?
A. Допустимо в случаях, изложенных в Уставе внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан.
B. Допустимо с разрешения военного коменданта.
C. Не допустимо.

8. Когда караулы могут выйти из подчинения?
A. С момента выхода караула из караульного помещения.
B. С момента подачи начальником караула команды «Шагом марш» для следования в подразделение после смены.
C. С момента сдачи оружия.

9. Независимо от какого количества постов начальником караула, охраняющего особо важный объект, назначается:
A. Офицер.
B. Офицер или старшина.
C. Только старший офицер.

10. Укажите соответствующий сигнал при управлении строем руками, используя следующие условные знаки:
Поднять левую руку вверх, а правую вытянуть горизонтально в сторону и размахивать ею вниз и вверх до уровня плеча.
A. Марш (вперед, продолжать движение в прежнем или новом направлении, путь свободен).
B. Стой (стоп).
C. Увеличить дистанцию.

ВАШИ ДАННЫЕ:

1. Воинское звание, фамилия, имя, отчество _____

_____

_____

2. Адрес: _____

_____

_____

3. Предложения: _____

_____

_____

Вопросы теста подготовил подполковник Н. ГУЛБАЕВ.

● СПОРТ ●

Ш а г к профессионализму

Прошедший чемпионат мира по футболу еще раз наглядно продемонстрировал то, какими высокими темпами развивается спорт номер один в Азии. Мы воочию убедились, что многие футбольные команды этого региона мало в чем уступают представителям Старого Света и южноамериканским мастерам кожаного мяча. Не исключено, что данное обстоятельство как раз и послужило поводом для создания Лиги чемпионов Азии или так называемой суперлиги, которая во многом будет походить на привычную нам европейскую.

Недавно в Малайзии состоялся семинар, участники которого обсуждали ход проведения этого турнира. Нашу футбольную федерацию, как полноправного члена суперлиги, представлял начальник отдела проведения соревнований Алишер Никимбаев. Прежде чем вкратце рассказать об особенностях данной новинки, хотелось бы отметить, что принятие такого решения, наверняка, связано прежде всего с тем, чтобы поднять уровень азиатского футбола на более высокий уровень или, иными словами, сделать еще один шаг на пути к профессионализму команд.

Теперь уже известно, что участниками суперлиги будут только победители национальных чемпионатов и обладатели кубков, то есть, по две команды от каждой страны. Исходя из этого, в нынешнем сезоне Узбекистан будет представлен ферганским «Нефтчи» и столичным «Пахтакором». А вообще суперлига разделена на две зоны. В первую войдут страны Ближнего Востока, Персидского залива и Центральной Азии. Во вторую — Дальнего Востока, Юго-Восточной Азии и Южной Азии. Есть и своя особенность данного турнира. В каждой зоне по четыре клуба, которые имеют наивысший рейтинг, будут играть сразу в четвертьфинале. Нашим командам, к сожалению, это не светит. «Нефтчи», правда, отстал не намного, он занимает пятое место, в чем, собственно, сам и виноват. Его репутацию подмочил отказ от участия в Кубке Азиатских чемпионов. Показатель «Пахтакора» еще скромнее — он лишь пятнадцатый. Нефтяники начнут свое выступление с третьего раунда, 9 октября на выезде они встретятся с победителем пары «Жаштык» (Кыргызстан) — «Ахли» (Йемен), а ответная встреча состоится в Фергане 23 октября. «Пахтакор» стартует во втором раунде, что рангом пониже. 11 сентября в Ташкенте он проведет свой первый матч опять-таки с победителем пары «Аль Вихдаш» (Иордания) — «Аль-Ниджме» (Ливан), а ответный — 24—25 сентября. Если вы внимательно присмотритесь к срокам проведения встреч «Пахтакора», то непременно заметите, что они почти совпадают с играми нашей сборной на Азиатских играх, костяк которой как раз и составляют пахтакоровцы. Руководство федерации Узбекистана обратилось с просьбой в АФК сделать перенос матчей, но согласия пока не получило.

Как решится эта проблема — неизвестно. И если придется играть в установленные сроки, то ташкентцам будет нелегко. Однако, какие бы трудности не подстерегали, участие в таком турнире — это хорошая школа для наших команд, для всего узбекистанского футбола. Есть еще одно приятное в этом. Например, «Нефтчи» за участие в играх третьего раунда получит 15 тысяч долларов, что также будет способствовать дальнейшему развитию отечественного футбола.

С. НИКОЛАЕВ.

● ФУТБОЛ. КУБОК УЗБЕКИСТАНА. ФИНАЛ.

НИЧЬЯ В ОСНОВНОЕ ВРЕМЯ

Вчера в столице Узбекистана состоялся финальный матч Кубка страны, где, как и год назад, встречались «Нефтчи» и «Пахтакор». Напомню нашим читателям, что в решающих поединках данного турнира эти команды уже трижды оспаривали право владеть этим почетным трофеем. Дважды победу праздновал «Пахтакор» (1997, 2001) и один раз «Нефтчи» (1996). Вполне понятно, что ферганцы горели желанием взять реванш. Однако основное время победителя не выявило — после него счет был 3:3.

О подробностях матча и его результате читайте в следующем номере.

ХАНДАЛАР

ЭНГ ЯНГИСИ ШУ

Ошхонада хўранда ошпазга кулимсираб деди:

— Менга бугунги овқатингиздан беринг.

— Кечирасиз, энг янгиси — кечагиси.

ТАШЛАМАСАК БЎЛМАЙДИ

Ўғил отасига деди:

— Дада ичишни ташламасак бўлмайди, шекилли.

— Нега?

— Кеча иккаламиз ҳам бир шишадан ичгандик. Мен тунда тагимни ҳўл қилиб қўйдим. Сиз чидаб ётдингиз-у, аммо энди бошингиз оғрияпти.

«ТЕКШИРМОҚЧИ ЭКАН»

Кеч келган эрни хотин эшик олдида кутиб олди:

— Келинг, и-е ёқангиздаги мана бу лаб бўёғими?

— Ҳа-а... Айтганча сенга совға қилмоқчи эдим. Рангига келганда шубҳаландим. Шуниси сенга ёқди-ми?

ЎРИНЛИ БАҲОНА

Хотинининг ўзбошимчалигидан дарғазаб бўлган эр сўради:

— Сочингни нега қирқтирдинг?! Ким сенга бундай қилишга рухсат берди?!

Хотини бунга жавобан бамайлихотир деди:

— Ўзингиз! Мудом сочи узун — ақли қисқа, деган кесатиқларни эшитавергач...

ҲАР ДОИМГИДАЙ

Бошлиқ ходимга деди:

— Шунча танбеҳларга қарамасдан, бугун ҳам ишга кечикиб келдингиз-а...

— Йўғ-э, ҳар доимги вақтда келдим.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
ЎзМУ талабаси.

ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРД



Ф.ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАНИНГ 87-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ: БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 6. Бразилия. 16. Муқаддам. 19. Чилангар. 30. «Шайтанат».

ЭНИГА: 5. Зеби. 7. Азон. 11. Старт. 14. Селен. 15. Чигатой. 17. Диол. 18. Чаён. 23. Роналдо. 24. Девон. 25. Афғон. 29. Алой. 31. Асал.

БЎЙИГА: 2. Купер. 3. Когон. 8. Ўрок. 9. Бета. 10. Ипак. 12. Симонов. 13. Хонанда. 20. Дала. 21. Анор. 22. Лафз. 26. Ўлпон. 27. Завод.

ЕЙЛАР БЎЙИЧА: 1. Шалола. 4. Гектар. 26. Ҳикмат. 32. Байрон.

«ЗАНЖИР» ҲОЛИДА ПАКЛ АТРОФИ БЎЙИЧА: 33. Турон. 34. Нишон. 35. Нектар. 36. Ребус. 37. Сароб. 38. Байроқ. 39. Қонун. 40. Нолон. 41. Наргис. 42. Сегоҳ. 43. Ҳафта. 44. Аломат.

Шарқ мунажжимлари башорати

ТОҒ ЭЧКИСИ бу ҳафтани касбий ва лавозим бўйича ўсишга бағишласа яхши бўлади. Асосан ҳозир сиз иш билан боғлиқ орзуингизни амалга оширишингиз мумкинлиги эҳтимоли жуда юқори. Шу билан бирга, сиз дам олишни ҳам унутманг — ўта фаоллик асабийлик ва чарчоққа олиб келишга қодир. Душанба — сиз учун қулай кун.

ҚОВҒАлар ҳафта бошланиши билан ўзлари учун яхши даврга кирадилар. Сизнинг истакларингиз имкониятларингиз билан хамоҳанг бўлади ва, аксинча, сизнинг имкониятларингиз хоҳлаган истагингизни амалга оширишга йўл беради. Мунажжим шундай қулай вақтни қандай ўтказишни яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат беради. Омадли кунлар — чоршанба ва жума.

БАЛИҚлар ҳозир бирор янги марраларни эгаллашга интилмаганлари маъқул, чунки бу иш натижасиз якунланади. Яхшиси бу ҳафтада таътилга чиқиб, кундалик ишлардан дам олиш керак. Агар сиз бу маслаҳатга қулоқ солсангиз, юлдузлар сизнинг севги бобидаги энг юксак орзуларингизни амалга оширишни ваъда қилмоқдалар. Душанба ва чоршанба — сиз учун қулай кунлар.

ҚЎЙларга келаси ҳафтага режалаштирилган ишга алоқадор учрашувлар кутилган натижаларни келтирмайди. Шу сабабли, кайфиятингизни бузмаслик учун, яхшиси, уларни бошқа вақтга қолдиринг. Ижодий қувватингиз ортади ва уни сизга ишдан ташқари хоҳлаган бошқа йўналишга сарфлашни мунажжим маслаҳат беради. Омадли кун — пайшанба.

БУЗОҚлар бу ҳафтада жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Касбий фаолиятда ҳам йирик молиявий йўқотишлар бўлиши эҳтимоли бор. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун сиз бюджет ва пул масалаларини яхшилаб режалаштиришингиз лозим. Ҳафтанинг ижобий томони — оиладаги барқарорлик. Шанба — омадли кун.

ЭГИЗАКЛАР ҳам келаётган ҳафтада молиявий масалаларда ўта эътиборли ва эҳтиёткор бўлишлари лозим. Ўйланмай қилинган ҳаракатлар кескин ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бизнесда турли қалтис, шубҳали таклифларга ишонманг, чунки бунинг натижасида каттагина маблағдан ажраб қолишингиз мумкин. Омадли кун — чоршанба.

ҚИСҚИЧБАҚАлар бу ҳафтада, баъзида бўлиб тургани каби, ўзлари ўрганган воқеликдан узоқроқда бўладилар. Сизнинг ўй ва хаёлларингиз ўзингиздан бошқа ҳеч кимга ажойиб ва истиқболли бўлиб кўринмайди. Бунинг натижасида яқинларингиз билан ҳам, ишда ҳамкасблар билан ҳам турли келишмовчилик ва можаролар келиб чиқиши мумкин. Сиз учун чоршанба ва шанба — қулай кунлар.

АРСЛОНлар ҳушхабар олишлари эҳтимоли бор. Бу хабар сизнинг режаларингизни ўзгартириб юборишига ёки яхшигина фойда келтиришига мумкин. Юлдузлар сизга молиявий юксалишингиз учун қулай вазият ваъда қилмоқдалар. Муҳими — ташаббусни қўлдан чиқарманг, шунда ишлар сиз хоҳлагандек амалга ошади. Омадли кунлар — сешанба ва пайшанба.

ПАРИЗОДлар бу ҳафтада ўз шахсиятларининг аввал маълум бўлмаган қирраларини очадилар. Натижада сиз ўз атрофингизга янги кишиларни тортасиз, олдингизда эса янги истиқболли имкониятлар пайдо бўлади. Ўз ички сезгингизга ишонинг — у сизга барча ҳолатларда тўғри карорга келишда ёрдам беради. Сешанба — сиз учун қулай кун.

ТАРОЗУларга яна кимдир кўнгилсизликлар келтириб, ҳаётингизни қийинлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Аммо, агар бу содир бўлса ҳам, умидсизликка тушиб, ҳафсаланг пир қилманг — самовий кучлар қийинчиликларни енгишда ёрдам берадилар. Ҳафта охирига бориб сиз кўпдан бери кутган яхшигина даромад келиши мумкин. Омадли кун — жума.

ЧАЁНларни мунажжим ўзгалар таъсирига тушиши хавфидан огоҳ этмоқда — сизни кучли ва давлатманд одам ўзига бўйсундирмоқчи бўлиши мумкин. Бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилинг, акс ҳолда сиз айёрона ишларга аралашиб, атрофдагилар билан муносабатларингизни ёмонлаштиришингиз мумкин. Қулай кунлар — шанба ва якшанба.

ЎҚОТАРларга аввалги хатоларга яна йўл қўймаслик учун барча кучларни ишга солиш, хизматни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик ва бўшашмаслик тавсия қилинади. Янгилик ва номаълумликдан қўрқманг, дадиллик билан олға боринг ва сиз ўз касбий фаолиятингиз доирасида янги чўққиларни забт этишга муваффақ бўласиз. Сешанба ва пайшанба — омадли кунлар.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-62; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар»

Заказ № 0322.